

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш
кафедраси**

А.Ю.Худойбердиев

**Туристлар хавфсизлигини таъминлаш
фанидан
амалий машғулотларни ўтказиш бўйича**

У С Л У Б И Й Қ Ў Л Л А Н М А

**“Сервис ва туризм” йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар
учун**

Самарқанд - 2009

А.Ю.Худойбердиев Туристлар хавфсизлигини таъминлаш фанидан амалий машғулотларни ўтказиш бўйича услубий қўлланма. “Сервис ва туризм” йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар учун. Самарқанд, СамИСИ, 2009. – 16 б.

Тақризчи: СамҚХИ, доцент Ишниязова Ш.А.

СамИСИ доцент Н.Мўминов

Услубий кўрсатмалар “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедрасининг 2009 йил 30 март йиғилишида (№ 8 сонли баённома) кўриб чиқилган ва институт ўқув-услубий кенгашига тавсия этилган

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий кенгашида тасдиқланди ва нашрга тавсия этилди
2009 йил 29 апрел 9-сонли баённома

КИРИШ

Ҳозирги вақтда туристларни хавфсизлигини таъминлаш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда халқаро туристик ташкилотлар ҳамда конгресс материалларида ҳам алоҳида қайд этилган.

“Туристлар хавфсизлигини таъминлаш” фани “Касбий этика ва этикет”, “Дунё халқлари овқатланишининг ўзига хос хусусиятлари” ва “Туристлар овқатланишини ташкиллаштириш” фанлари билан узвий боғлиқдир.

“Туристлар хавфсизлигини таъминлаш” фанининг асосий мақсади туризм соҳасида таълим олаётган талабаларга назорат ва амалий билим беришдан иборат бўлиб, ўзини ичига маҳаллик ва халқаро туризмни ривожланишининг асосий йўналишлари, хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ва республика меъёрий ҳужжатлари, қоидалари билан танишишдан иборат.

Бундан ташқари, туризм соҳалари бўйича талабаларни дунёқарашини шакллантириш, туризмда расмийчилик тизими, туристларни хавфсизлигини ва ҳимоясини таъминлашда давлат хавфсизлик хизматлари билан алоқлари, божхона тизими, биологик, тиббий хавфсизлик ва санитария назорати ва бошқалар ҳақида тўла маълумотлар беришдан иборат.

Амалий машғулот № 1

Туристлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича меъёрий хужжатлар

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Халқаро ва маҳаллий сайёҳларнинг хавфсизлигини, диққатга сазовор объектларни хавфсизлигини таъминлашдаги қонунчилик йўллари. Туризмда халқаро – ҳукуқий хавфсизлик аспекти. Хавфсизликда айрим туристик тушунчалар ҳақида стандартлаш. Туристик хавфсизлик соҳасида ўзбек қонунчилиги.

Назорат учун саволлар:

1. Қандай халқаро ташкилотлар туристларни хавфсизлик масалалари билан шуғулланади?
2. Туристик хизмат деганда нимани тушунаси?
3. Барча турдаги туристик хизматлар учун қандай талаблар мажбурий ҳисобланади?
4. Туризмда зарарли факторлар қандай синфланади?
5. Травма хавфсизлигини камайтириш нималар ҳисобидан амалга оширилади?
6. “Туризм ҳақидаги қонунни” 19-моддасида “Туристлар хавфсизлигини таъминлашдаги чоралар” туристик фаолият субъекти нималарга мажбур?
7. Халқаро туризм сервисида “сайёҳлар хавфсизлиги” тушунчаси тўғрисида айтиб беринг?
8. Туристик хизмат учун асосий талаблар нимадан иборат?
9. Туристик хизматдаги талабларни бажарилишини кимлар томонидан назорат қилинади?

10. Хавфсизликни таъминлаш бўйича Гаага декларацияси.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (1), (2), (3), (9)

Амалий машғулот № 2

Хавфсизлик тизимига комплекс ёндашув

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Туристик хавфсизлик тузимини шаклланишининг умумий йўналишлари, туристлар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг масалалари, хусусиятлари, туризмга умумий хавф-хатар даражаси. Давлатларнинг хавфсизлик нуқтаи назаридан баҳолаш.

Назорат учун саволлар:

1. Биологик хавф-хатар деганда нимани тушунасиз?
2. Тиббий эпидемиологик хавф-хатар ўз ичига нималарни олади?
3. Ижтимоий хавф-хатар деганда нимани тушунасиз ва у ўз ичига нималарни олади?
4. Сиёсий хавф-хатар бўйича сизни тушунчангиз қандай?
5. Божхона тўсиғи тўғрисида сизни тушунчангиз?
6. Иқтисодий хавф-хатар ўз ичига нималарни олади?
7. Инфраструктурали хавф-хатар ҳақида сизни тушунчангиз?
8. Туризмда хавфсизлик масалаларига нималар киради?
9. Халқаро туризмда рўй берган террорчилик ҳаракатлари ҳақида айтиб беринг?
10. Бир давлатдан бошқа давлатга борган туристлар электр хавфсизлиги бўйича нималарни билишлари керак?
11. Молиявий хавфсизлик деганда нимани тушунасиз?

12. Шахсий хавфсизлик деганда нимани тушунасиш?
13. Туризмда шахсий хавфсизликни қандай йўналишларини биласиз?
14. Хавфсизликни баҳолаш ва уни олдини олишда кўриладиган чоралар.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (2), (3), (4)

Амалий машғулот № 3

Туризмда расмиятчилик тизими

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Туристлар учун расмиятчиликни енгиллаштириш муаммолари, таҳлили, асосий туристик расмиятчилик, паспорт, виза, валюта назорати ва валюта алмаштириш назорати, сайёҳларни туристик ҳужжатлари, туристларни суғурталаш ҳужжатлари ва ҳ.к.

Назорат учун саволлар:

1. Туристик расмиятчиликларни енгиллаштириш деганда нималарни тушунасиш?
2. Асосий туристик расмиятчилик деганда нималарни тушунасиш?
3. МДХ ўртасидаги расмиятчиликлар ҳақида айтиб беринг.
4. Туристлар паспорти ва визаларини қандай расмийлаштиради?
5. Шенген визаси нечта давлатларни ўз ичига олади?
6. Шенген визасини олгандан сўнг турист қандай расмиятчиликларни амалга оширади?

7. Туризмни ривожланишига ва сайёҳларни ҳажми кўпайишига қандай расмиятчиликлар ҳалақит бермоқда?
8. Халқаро туризмни ривожлантиришда қандай муаммолар учрайди?
9. Марказий Осиё давлатларида халқаро туризмни ривожлантиришда қандай расмиятчиликлар ҳалақит беради?
10. Қандай ҳолларда элчихоналарда паспортга виза қўйиш ҳоли бўлмайди?
11. Ўзбекистон ҳудудида чиқиш рухсат олишда қандай ҳужжатлар тақдим этилади?
12. Қандай ҳолларда ҳудуддан чишга рухсат этилмайди?
13. Валюта назорати ва валюта алмаштиришнинг назорати қандай амалга оширилади?
14. Божхонадан ўтказиш тақиқланган нарсаларга нималар киради?
15. Тиббий расмиятчилик деганда нимани тушунасиш?
16. Полиция назорати ва жамоат хавфсизлиги масалаларини ёритиб беринг?
17. Туристик ҳужжат (ваучер) нима учун керак ва у ўз ичига қандай реквизитларни олади?
18. Туристик ҳужжат кимлар томонидан берилади?
19. Туристнинг суғурта ҳужжати деганда нимани тушунасиш?
20. Ҳужжатларни леганизация муаммолари ҳақида айтиб беринг.
21. Такс-фри шопинг – хизмати қандай амалга оширилади ва унинг имтиёзлари қандай?

22. Давлатдан чиқиш учун божхона қандай ҳужжатларни талаб қилади?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (2), (3), (4)

Амалий машғулот № 4

Туристларни хавфсизлигини ва ҳимоясини таъминлашда давлат хавфсизлик хизматлари билан ўзаро алоқалари

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Криминал хавфсизлигининг умумий масалалари, туристик полиция ва уни турли давлатларда иш олиб бориш спецификаси, бир қатор давлатлардаги криминаллар таҳлили.

Исроил давлатининг туризмдаги хавфсизлик бўйича тажрибаси, терроризмга қарши чоралар. Меҳмонхоналардаги айрим хавфсизлик қоидалари, ҳаво безорилари ва Ўзбекистон Республикасида хавфсизлик бўйича айрим масалалар.

Назорат учун саволлар:

1. Криминал хавфсизлик қоидалари нималардан иборат?
2. Келган турист давлат ҳақида нималарни билиш керак?
3. Турли давлатларнинг ўзига хослиги деганда нималарни тушунасиз?
4. Миср ва БАА давлатларида полиция хизмати қандай йўлга қўйилган?
5. Туристларга давлатдаги бўлиши мумкин бўлган криминал ҳақида қандай маслаҳат берилади?

6. Турли давлатларда хавф-хатар бўлиши мумкин бўлган зоналарга қайси шаҳарлар киради?
7. Исроил давлатида хавфсизликни қандай тизими яратилган?
8. Хавфсизлик хизматида меҳмонхонадаги асосий вазифаси нималардан иборат?
9. Меҳмонхона ходимлари туристларга қандай хавфсизликни таъминлайди?
10. Меҳмонхонада ўғирлик, ёнғин, бомба қўйилган ҳоллари юз берганда меҳмонхона ходимлари қандай ҳаракат қилади?
11. Ҳаво лайнеридаги пассажир қанай қоидаларга риоя қилиши зарур?
12. Ўзбекистонда хавфсизлик масалалари бўйича қандай ишлар амалга оширилган?
13. Туристлик муассасалар (меҳмонхона, аэропорт, темир йўл, автовокзал ва ҳ.к.)да эвакуация турларини санаб беринг.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (3), (4), (5), (6).

Амалий машғулот № 5

Туризмда божхона назорати тизими

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Божхона тизими, божхона назоратининг хусусиятлари ва туристлар хавфсизлиги масалалари. Туристларни

юкларини божхона зонасига олиб кириш қоидалари. Турли жаҳон мамлакатларининг божхона назорати қоидалари ва талаблари.

Назорат учун саволлар:

1. Божхона иши ҳақида тушунтириб беринг.
2. Божхонада қандай ҳолатларда шахсий текширув ўтказилади?
3. Шахсий текширувдан ўтказиш қоидаси қандай?
4. Божхона зонасига юкларни олиб кириш қоидалари қандай амалга оширилади?
5. Олиб кирилаётган юкни оғирлиги қанча бўлади ва ундан ортиғига қанча қўшимча маблағ тўлайди?
6. Божхонадан қандай юкларни ўтказиш таъқиқланади?
7. Турли давлатлардан юк олиб кетилаётганда ва олиб келинаётганда қандай юкларга декларация тўлдирилади?
8. Ўзбекистонда олиб чиқиლაётган қандай юкларга декларация тўлдирилмайди?
9. Божхона текшируви вақтида турист қандай ҳуқуқларни талаб қилишга ҳақли?
10. Ғарб давлатлари божхона текшируви Ўзбекистон божхона текширувидан нима билан фарқ қилади?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (3), (4), (5)

Амалий машғулот № 6

Миграцион хизмат ишининг хусусиятлари

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Миграцион хизматининг хусусиятлари, туристларга бўлган визавий ва маъмурий талаблар. Авикомпания ва

туристик агентлик мижозларга бир қатор тавсиялар. Норасмий трафик кишиларга нисбатан курашиши ва ҳ.к.

Назорат учун саволлар:

1. Миграцион тартиб деганда нимани тушунаси?
2. Республика ташқарисида фуқароларни ҳимоя қилиш бўйича қандай хизмат шуғулланади?
3. Қандай ҳолларда фуқароларни ташқарига чиқаришга йўл қўйилмайди?
4. Аргентина давлатида миграция бўйича қандай дастур ишлаб чиқилди?
5. Туристларга қандай визавий ва маъмурий талаблар қўйилади?
6. “Транзит” ва “Трансфер” деган сўзларнинг моҳиятини очиб беринг.
7. Абиабилет олган туристи туристик агентликдан нималарни талаб қилишга ҳақли?
8. Расмий маълумотларни туристи қайси жойдан олиши мумкин?
9. Собиқ итифоқ виза режими қандай эди?
10. Ўзбекистонда иммиграцион сиёсатнинг хусусияти нималардан иборат?
11. Қандай ҳолларда чет эллик кишини давлатга Кириши таъқиқланади?
12. Трафик сўзи нимани билдиради?
13. Трафик бизнесидаги расмий ва норасмий клиш деганда нимани тушунаси?
14. Трафик ҳолатига тушмаслик учун қандай қоидаларга амал қилиш зарур?

15. Ҳукукий тартиб деганда нимани тушунаси?
16. Чет давлатда турган туристни қандай ҳуқуқларни талаб қила олади?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (3), (4), (5)

Амалий машғулот № 7

Туризмда биологик хавфсизлик ва санитария назорати

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Биотиббид хавфсизлигининг умумий йўналишлари. Сайёҳлик вақтида биологик хавфсизлик таҳлили. Санитария хавфсизлиги борасида давлат сиёсати. Туристик фирма ва туристлар учун биохавфсизлик қоидалари.

Назорат учун саволлар:

1. Қандай хавф-хатар турларини биласиз ва уларни таҳлил қилиб беринг?
2. Сайёҳат пайтидаги биологик хавфсизлик деганда нимани тушунаси?
3. Биологик хавфсизлигига қарши қандай чоралар кўриш мумкин?
4. Санитария хавфсизлиги бўйича қандай давлат сиёсати олиб борилмоқда?
5. Турфирма ходимлари сайёҳларга сайёҳатдан олдин нималар ҳақида маълумот бериши керак?
6. Туристлар ва турфирмалар учун биохавфсизлик қоидалари деганда нимани тушунаси?

7. Биологик хавф-хатарни олдини олиш учун тур оператор қандай рўйхат тузади?
8. Қандай касалликлар ҳайвонлардан одамга ўтиши мумкин?
9. Сайёҳат вақтида СПИД касаллигидан қандай ҳимояланади?
10. Туристлик саёҳатдан олдин қандай касаллик турларини биласиз?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (3), (4), (5)

Амалий машғулот № 8

Суғурталаш – туристларни хавфсизлигини таъминлашнинг кўриниши

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Суғурталаш, дам олишда суғурта полиси, суғурта полисидан тўғри фойдаланиш, суғурта турлари, шакли, туристнинг ҳуқуқи полиси, суғурта маҳсулотлари.

Назорат учун саволлар:

1. Қайси давлатларга чиқишда суғурта мажбурий ҳисобланади?
2. Суғурта полисидан қандай тўғри фойдаланиш мумкин?
3. Қандай ҳолларда суғурта ҳолатитан олинмайди?
4. Туризм соҳасидаги суғурта турларини айтиб беринг.
5. Қандай ҳолат суғуртали ҳисобланади?
6. Туристни ҳуқуқий полиси деб нимага айтилади?
7. Суғуртадан фойдаланиш қоидалари.

8. Туристларни суғурта суммасини минимал ва максимал миқдори қанча?
9. Кўпмарталик йиллик полис деганда нимани тушунасиш?
10. Касаллик турлари ва уларга тўланадиган суғурта тўловларини айтиб беринг.
11. Халқаро суғурта полисига эга бўлган кишига қўшимча яна қандай хизматлар кўрсатилади?
12. Бир марталик полис деганда нимани тушунасиш?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (3), (4), (5), (6), (7).

Амалий машғулот № 9

Туристларнинг шахсий хавфсизлиги бўйича уларга бериладиган айрим маслаҳатлар

Машғулот ҳажми: 2 соат

Машғулот мақсади: Туристларга мўлжалланган асосий имтиёз турлари, авиачипталардаги ёзилган маълумотлар, авиачипталарни қайтариш, қисман фойдаланилган авиачиптани қайтаришдаги ҳисоб-китоб, чиптани ўзгартириш, болалар ва мажруҳ кишиларни кузатувчисиз олиб бориш, юкларни ташиш хусусиятлари ва ҳ.к.

Назорат учун саволлар:

1. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясида қандай имтиёзлар (тариф) қўлланилади?
2. Оилавий, пенсион ва ёшлар тарифи ҳақида айтиб беринг.
3. Мажбурий ва ўз хоҳишига биноан билетни қайтарганда ҳисоб-китоб қандай амалга оширилади?

4. Қисман фойдаланилган билетни қайтаришда ҳисоб-китоб қандай олиб борилади?
5. авиачиптадаги рақмларни ўзгартириш мумкинми?
6. Авиалайнерда кузатувчисиз болаларни олиб боришда уларни ёши неча ва уларни тарифи қандай?
7. Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпаниясида 2 ёшгача бўлган болалар учун қандай тариф қўлланилади?
8. Неча ёшгача болаларни кузатувчисиз учишга йўл қўйилмайди?
9. Ҳаво лайнерида учганда қандай хавфсизлик қоидаларига риоя қилинади?
10. Юкларни ташиш хусусиятлари ҳақида айтиб беринг.
11. Авиалайнер ходимлари қандай турдаги юкларни олмаслиги мумкин?
12. Самолёт салоида турист нималарга буюртма бериши мумкин?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

А: (4), (5), (6), (7)

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т., Адолат, 2000. – 131-140-бетлар.
3. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 15.04.99 йилдаги ПФ-«2286 фармони. Халқ сўзи, №74, 16 апрел.
4. Таксанов А., Холиқов Ш. Безопасность в туризма: некоторые теоретические и практические аспекты. Т., 2004
5. Маринин М. Туристические формальности и безопасности в туризма. М., Финансы и статистика. , 2004.
6. Бготов А. Туристические формальности. М., Академия, 2004.
7. Остонова О. Транспортное обслуживание туристов, М., Академия, 2004.
8. Халқаро туризм шартномалари. Ўқув-услубий модель. Т., ТДИУ, 2003.
9. Правовые акты: Туристическое деятельности, М., Финансы и статистика. , 2005.

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти
Институт босмохонаси,
Шохрух кўчаси, 60

Буюртма № 138
Ҳажми 1,0 б.т.
Адади 20 нусха